Khurshid Davron

- SAYT XARITASI
- ENGLISH
- НА РУССКОМ

Bosh sahifa > Hikmat va rivoyat > Jaloliddin Rumiy. Hikmatlar

14, 12, 2014 0

# Jaloliddin Rumiy. Hikmatlar

152 tashrif




*Ҳазрат Алишер Навоий «Устозлар устози» деб шарафлаган, Абдураҳмон Жомий эса «У пайғамбар эмас, аммо пайғамбарлик китоби бор» деб улуғлаган Жалолиддин Румий — жаҳон адабиётининг муаззам сиймоларидан бири. У ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб сўз санъатига катта таъсир ўтказди. Шарқнинг буюк сўз усталари Мавлонони ўзларига устоз деб билишган. Буюк Ҳёте Абулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофизлар қаторида Жалолиддин Румий ижодини ҳам «Хизр чашмаси» деб атаган.*

**Жалолиддин Румий**
**ҲИКМАТЛАР**
**Муслимбек Мусаллам таржималари**

Жалолиддин Румий — жаҳон адабиётининг муаззам сиймоларидан бири. У ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб сўз санъатига катта таъсир ўтказди. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталари Мавлонони ўзларига устоз деб билишган. Буюк Ҳёте Абулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофизлар қаторида Жалолиддин Румий ижодини ҳам «Хизр чашмаси» деб атаган. Машҳурликда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Саъдийнинг «Гулистон»и, Ҳофизнинг «Девон»и билан бир қаторда турган «Маснавийи маънавий»ни инсон маънавий ҳаётининг қомуси сифатида нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ихлос билан ўрганишган.

Мавлоно 1207 йилда қадимий Балх шаҳрида ўз даврининг машҳур мутасаввуф донишманди,йирик хатиб ва воизи бўлган Баҳовуддин Валад оиласида дунёга келади. Баҳовуддин Валад аслида Шайх Нажмиддин Кубро (1135 — 1221) нинг Маждиддин Бағдодий, Саъдуддин Ҳамавий, Разиуддин Алийи Лоло, Сайфуддин Бохарзий, Бобо Камол Жандий каби 300 га яқин забардаст шогирдларидан бири ҳисобланарди. Жалолиддин 12 ёшида унинг ота-онаси ҳам мўғул босқини хатаридан қочиш, ҳам ҳаж фаризасини адо этиш ниятида Балхни тарк этадилар.

1230 йилдан бу оила Кунияда қўним топади. Ёш Жалолиддин Шом, Ҳалаб, Дамашқ, Қайсария ва бошқа йирик илм марказларида 7 йил таълим олади, ўз даврининг этук донишманди бўлиб этишади. Таниқли румийшунос Зарринкуб таъбири билан айтганда, «Мавлононинг 68 йиллик ажойиб умри бошдан оёқ бир шеър, гўзал, бетакрор, туғёнли ашъор жараёни, садоси ва бонги билан йўғрилиб ўтди».

Мавлоно Румий ўзидан кейинги авлодларга 5 муҳим ва қимматбаҳо асар қолдирди: 1. «Девони кабир», «Девони шамси табризий», «Девони шамсул ҳақойиқ» деган номлар билан машҳур девон. 2. «Маснавийи маънавий» — 25700 байтдан иборат бебаҳо тасаввуфий-ишқий асар. 3. «Фийҳи ма фийҳи» («Ичингдаги ичингдадир») — Мавлононинг суҳбатларидан иборат фалсафий китоб. 4. «Мавоизи мажолиси сабъа» — бу асар Румийнинг этти ўгит ва панд-насиҳатларидан иборат. 5. «Мактубот» — Мавлононинг турли даврларда замондошларига ёзган мактубларидан ташкил топган тўплам.

Ҳазрат Алишер Навоий «Устозлар устози» деб шарафлаган, Абдураҳмон Жомий эса «У пайғамбар эмас, аммо пайғамбарлик китоби бор» деб улуғлаган Мавлоно Жалолиддин Балхий-Румий 1273 йилнинг изғиринли қиш кунларининг бирида вафот этган.

● ● ●

Киши ким эканлигини билиш истасанг, кимларни севишига боқ.

● ● ●

Соҳибин хурматига қулни ранжитма, кўнгил .

● ● ●

Эй кўнгил, ибрат ол, боқ хар тушган япроққа,
У ҳам аввал кўкдан боқарди тупроққа.

● ● ●

Эй дўст, дардинг нима бўлса бўлсин,
Умидинг хар замон Аллоҳ бўлсин.

● ● ●

Истаганим бўлмаяпти деб хавотир олма,
Янада яхшиси бўлади. Балки хайрлиси шудир.

● ● ●

Хамма яхшиликлар сабрдан кейин келади.

● ● ●

Баъзан тугаш билмаган дардлар ёмғир бўлиб устингдан ёғади.
Шуни унутмаки, ранго-ранг камалак ёмғирдан кейин чиқади.

● ● ●

Хар нарсага жонингни сиқма, эй кўнгил,
На бу дардлар мангудир, на бу умр .

● ● ●

Бизнинг бу даргоҳиммиз умидсизлик даргоҳи эмасдир,
Юз бор тавбангни бузган бўлсанг ҳам яна кел.

● ● ●

Дедилар : Кўздан йироқ бўлган кўнгилдан хам йироқ бўлади,
Дедимки: Кўнгилга кирган кўздан йироқ бўлса нима бўлади.

● ● ●

Ким десаки, менинг хар нарсам жамдир,
Билингки, у инсон ростанам хомдир.

● ● ●

Хеч тушунмадингми ,Ёқуб нега Юсуф билан синов этилганини ? Чунки Ёқуб энг кўп Юсуфни севган эди .Киши энг кўп севгани билан синов этилади .

● ● ●

Мен жим тураман.
Менинг сирларимни сенга кўнглим айтади.
Диққат эт, кўнгил товушни кўнгил эшитади.
Бизга жон қулоғини бер. Тан қулоғи керакмас.



**Jaloliddin Rumiy**
**HIKMATLAR**
**Muslimbek Musallam tarjimalari**



Jaloliddin Rumiy — jahon adabiyotining muazzam siymolaridan biri. U o’zidan keyingi Sharq va G’arb so’z san’atiga katta ta’sir o’tkazdi. Hofiz Sheroziy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Mirzo Abdulqodir Bedil kabi buyuk so’z ustalari Mavlononi o’zlariga ustoz deb bilishgan. Buyuk Hyote Abulqosim Firdavsiy, Shayx Sa’diy, Xo’ja Hofizlar qatorida Jaloliddin Rumiy ijodini ham «Xizr chashmasi» deb atagan. Mashhurlikda Firdavsiyning «Shohnoma»si, Sa’diyning «Guliston»i, Hofizning «Devon»i bilan bir qatorda turgan «Masnaviyi ma’naviy»ni inson ma’naviy hayotining qomusi sifatida nafaqat Sharqda, balki G’arbda ham ixlos bilan o’rganishgan.

Mavlono 1207 yilda qadimiy Balx shahrida o’z davrining mashhur mutasavvuf donishmandi,yirik xatib va voizi bo’lgan Bahovuddin Valad oilasida dunyoga keladi. Bahovuddin Valad aslida Shayx Najmiddin Kubro (1135 — 1221) ning Majdiddin Bag’dodiy, Sa’duddin Hamaviy, Raziuddin Aliyi Lolo, Sayfuddin Boxarziy, Bobo Kamol Jandiy kabi 300 ga yaqin zabardast shogirdlaridan biri hisoblanardi. Jaloliddin 12 yoshida uning ota-onasi ham mo’g’ul bosqini xataridan qochish, ham haj farizasini ado etish niyatida Balxni tark etadilar.

1230 yildan bu oila Kuniyada qo’nim topadi. Yosh Jaloliddin Shom, Halab, Damashq, Qaysariya va boshqa yirik ilm markazlarida 7 yil ta’lim oladi, o’z davrining etuk donishmandi bo’lib etishadi. Taniqli rumiyshunos Zarrinkub ta’biri bilan aytganda, «Mavlononing 68 yillik ajoyib umri boshdan oyoq bir she’r, go’zal, betakror, tug’yonli ash’or jarayoni, sadosi va bongi bilan yo’g’rilib o’tdi».

Mavlono Rumiy o’zidan keyingi avlodlarga 5 muhim va qimmatbaho asar qoldirdi: 1. «Devoni kabir», «Devoni shamsi tabriziy», «Devoni shamsul haqoyiq» degan nomlar bilan mashhur devon. 2. «Masnaviyi ma’naviy» — 25700 baytdan iborat bebaho tasavvufiy-ishqiy
asar. 3. «Fiyhi ma fiyhi» («Ichingdagi ichingdadir») — Mavlononing suhbatlaridan iborat falsafiy kitob. 4. «Mavoizi majolisi sab’a» — bu asar Rumiyning etti o’git va pand-nasihatlaridan iborat. 5. «Maktubot» — Mavlononing turli davrlarda zamondoshlariga yozgan maktublaridan tashkil topgan to’plam.

Hazrat Alisher Navoiy «Ustozlar ustozi» deb sharaflagan, Abdurahmon Jomiy esa «U payg’ambar emas, ammo payg’ambarlik kitobi bor» deb ulug’lagan Mavlono

Jaloliddin Balxiy-Rumiy 1273 yilning izg'irinli qish kunlarining birida vafot etgan.

---

• • •

Kishi kim ekanligini bilish istasang, kimlarni sevishiga boq.

• • •

Sohibin xurmatiga qulni ranjitma, ko'ngil .

• • •

Ey ko'ngil, ibrat ol, boq xar tushgan yaproqqa,
U ham avval ko'kdan boqardi tuproqqa.

• • •

Ey do'st, darding nima bo'lsa bo'lsin,
Umiding xar zamon Alloh bo'lsin.

• • •

Istaganim bo'lmayapti deb xavotir olma,
Yanada yaxshisi bo'ladi. Balki xayrlisi shudir.

• • •

Xamma yaxshiliklar sabrdan keyin keladi.

• • •

Ba'zan tugash bilmagan dardlar yomg'ir bo'lib ustingdan yog'adi.
Shuni unutmaki, rango-rang kamalak yomg'irdan keyin chiqadi.

• • •

Xar narsaga joningni siqma, ey ko'ngil,
Na bu dardlar mangudir, na bu umr .

• • •

Bizning bu dargohimmiz umidsizlik dargohi emasdir,
Yuz bor tavbangni buzgan bo'lsang ham yana kel.

• • •

Dedilar : Ko'zdan yiroq bo'lgan ko'ngildan xam yiroq bo'ladi,
Dedimki: Ko'ngilga kirgan ko'zdan yiroq bo'lsa nima bo'ladi.

• • •

Kim desaki, mening xar narsam jamdir,
Bilingki, u inson rostanam xomdir.

• • •

Xech tushunmadingmi ,Yoqub nega Yusuf bilan sinov etilganini ? Chunki Yoqub eng ko'p Yusufni sevgan edi .Kishi eng ko'p sevgani bilan sinov etiladi .

• • •

Men jim turaman.
Mening sirlarimni senga ko'nglim aytadi.
Diqqat et, ko'ngil tovushni ko'ngil eshitadi.
Bizga jon qulog'ini ber. Tan qulog'i kerakmas.

© XURSHID DAVRON KUTUBXONASI www.kh-davron.uz

## O'xshash maqolalar:

- Джалал ад-Дин Руми. Притчи
- Mavlono Jaloliddin Rumiy va Shams Tabriziy haqidagi rivoyatlar
- Mehmet O'nder. Mavlono (Asardan parcha)
- Ikki hikmatli rivoyat.
- Nosir Muhammad. Mavlono
- Muslimbek Musallam. Sabr.

*Teglar:* Mavlono Jaloliddin Rumiy, Muslimbek Musallam

Matnazar Abdulhakim. Siymoda aks etgan siymo
Tanikava Syuntaro. She'rlar (02)

## Izoh qoldiring

Ism

E-mail (sir saqlanadi)

Sayt

Izoh qoldirish

- **Sayt bo’limlari**
  - Adib hayoti va ijodi
    - Adib haqida
    - Adib kitoblari
    - Hikoya, qissa, drama
    - Kundalik sahifalaridan
    - Maqola, esse, suhbat
    - She'r va doston
    - Tarjimalar
  - Audio va video
  - Davomli maktublar
  - Hikmat va rivoyat
  - Kutubxona
    - Alisher Navoiy hayoti va ijodi
    - Islom tarixi, adabiyoti va madaniyati
    - Jadidlchilik tarixi va siymolari faoliyati
    - Jahon tarixi, adabiyoti va madaniyati
    - O'zbek tarixi, adabiyoti va madaniyati
    - Ruscha matnlar (Тексты на русском)
    - Tarixiy hujjatlar, qo'lyozmalar
    - Tasavvuf tarixi va adabiyoti
    - Turkiy tarix, adabiyot va madaniyat
    - Yosh tarjimonga tavsiya
  - Xotira, yodnoma
  - Yangiliklar
    - Muborak kun
    - Taqdimot
    - Tarixiy sana

- **Eng so’nggi**
  - Ogahiy. Devon (G’azallar, muxammas, tuyuqlar va ruboiylar)
  - Frans Kafka. Muttaham
  - Rafael Alberti. Muhabbat she’rlari. Xurshid Davron tarjimalari
  - Shodmonqul Salom. Qatra va badialar
  - Агахи. Из исторических сочинений
  - Ramiz Ravshan. She’rlar. Yangi tarjimalar
  - Abduqayum Yo’ldosh. Puankare. Kitobdan uch hikoya
  - Umid Bekmuhammad. Osiyo uzra, sahro va tog’lar oralab
  - Suvon Meliyev. “Boy ila xizmatchi” yoki tiklangan nusxa muammosi
  - Rey Bredberidan 25 o’git
  - Tanikava Syuntaro. She’rlar (02)
  - Jaloliddin Rumiy. Hikmatlar
  - Matnazar Abdulhakim. Siymoda aks etgan siymo
  - Ma’ruf Mengli. Tush
  - Edit Syodergran. She’rlar
  - Raj Kapur: San’at — birinchi muhabbatim, kino esa qismatim

- **Bizni kuzatib boring**

Найдите нас на Facebook



Хуршид Даврон

Нравится Вам это понравилось.

Вам и 5 420 другим нравится Хуршид Даврон.



Социальный плагин Facebook

**Do'stlarimiz**




**Yangiliklarimizga yoziling**

E-mail: Yozilish

Добавить на Яндекс

**Xurshid Davron kitoblari**



To'marisning ko'zlari

- **Eng ko'p o'qilgan**
  - Jovli Xushboq. Amir Temur folchi bo'lganmi? Адабиёт тарихидан биламизки, миллатнинг буюк инс...
  - Vafo Fayzulloh: Hayotning har lahzasi tashbeh… Адабий даврaларда Франц Кафканинг "Жараён" романи ва ...
  - Xosiyat Rustamova «She'r sehri» teleloyihasida. Хосият Рустамова 1971 йилнинг 19 март санасида Наманг...
  - Abu Rayhon Beruniy. Ma'rifiy film "Fazo-Video" studiyasi mahsuloti 2011 yilda tasvirg...
  - Vasiliy Shukshin. Mot qildi Атоқли рус адиби Василий Шукшиннинг машхур "Мот қил...
  - Shodmonqul Salom: Odamga ishonaman,hayotni sevaman! Бугун нима кўп: газета-ю журнал кўп. Кўпларини очасан...
  - Бахтиёр Каримов. Легко (ли) изменить историю? Наши великие предки являются духовными кумирами дл...
  - Xurshid Davron. Abu Rayhon Beruniy qabri haqida. Бугун тасодифан фейсбукда дастлаб Шухрат Барлос, кейи...
  - Yaxshilar yodi: Shavkat Rahmon. Яхшилар ёди: Шавкат Раҳмон. Муаллиф: Зебо Мирзаева. Р...
- **Teglar**

  Abdulhamid Cho'lpon Abdulla Oripov Abdulla Qodiriy Abdurauf Fitrat Ahmad A'zam Alisher Navoiy Amir Temur BBC Buxoro Chingiz Aytmatov Eric Schroeder Erkin A'zam Erkin Vohidov Eshqobil Shukur Faxriyor Ibrohim G'afurov Ibrohim Haqqul islom Mahmudxoja Behbudiy Matnazar Abdulhakim Mavlono Jaloliddin Rumiy Mirzo Bobur Mirzo Ulug'bek Murod Muhammad Do'st musiqa Nabijon Boqiy Naim Karimov Nazar Eshonqul o'zbek mumtoz she'riyati Odil Ikrom Oybek Rasululloh sallollohu alayhi vasallam Rauf Parfi Samarqand Shavkat Rahmon Shukur Xolmirzayev tasavvuf Ulug'bek Hamdam Umid Bekmuhammad Usmon Azim Xorxe Luis Borxes Xurshid Davron Xurshid Do'stmuhammad XX asr o'zbek she'riyati Эрик Шрёдер
- **Saytimiz arxivi**
  - 2014
  - 2013
  - 2012
  - 2011
  - 2010
- 329 483 638 +586




Tepaga RSS Bosh sahifa

Xurshid Davron (Khurshid Davron) kutubxonasi (c) 2007 - 2014

-